

Туркистонда хозиргача маълум бир йўлга қўйилмаган чаток ишлардан бири вакф ишларидир. Инкилобдан бери вакф ишлари учун юзларча комиссиялар тузилди. Турлук лойихалар ясалди. Лекин кутилган бир натижа чикмади.

Кейинги вақтларда вакфларни халқ қўлига бериш сиёсати майдонга чикди. Бунинг учун ТуркЦИК томонидан бир лойиха тузилиб, кози ва мударрис курултойидан ҳам ўтказилди. Самарканд, Фаргона областларида вакф шўролари тузилиб, ишга ҳам киришди. Сирдарё областида ҳам мундан бир ой мукаддам турлук ташкилотлар тарафидан вакф шўроси учун вакиллар сайланиб тегишлик ўртокларга топширилди. Эски шаҳар ижрокўмида сайлов қарорномалари ойлаб ўтгандан сўнгра тасдиқ килинуб, музофот ижрокўмига топширганлиги эшитилди. Хар холда у ерда ҳам ёта-ёта зерикгач, ундан ҳам тасдиқ килинуб, Сирдарёмизда ҳам вакф шўроси ишга киришса керак.

Вакф шўролари ишга киришган билангина кутилган натижа чиқарми, йўқми? Унисини келгуси кўрсатур. Ёлгуз хозиргача вакф ишларини бу тариқа чаток холда қолдириб қолган қўп сабабларнинг энг каттаси вакфларни сарф ва бошқариш тўғрисидаги фикрларнинг турлиқлигидир. Бир-бирига тамом тесқари бўлган бу фикрлар бирлашмаган тақдирда вакф ишлари тагин қуволур. Хар қим хар томонга қараб тортар, уришилур, сўқишилур, натижада тақрор вакфларнинг тоғ қаби мадрасалар бино қилишдан ва улардаги ўқувчи ва ўқитувчиларнинг таъминоти учун қолдирган миллионларча вакфларидан қутган мақсад-муқаддаслари шу қоғқача бўлиб қелганидек қоймол бўлур. Бунқалиқ вакфлар, бунқалиқ мадрасалардан халқнинг маориф ва маданияти номига қойдаланиш мумкин бўлмас.

Бошқа муқараккий ислом мамлақатларида қўпдан буни тушуниб, бу тўғридаги ихтилофи афқорни орадан қўтарганлар, вакф ишларини маълум бир йўлга қўйиб, маориф бюджетининг буюқ бир қисмини вакфдан қерагича истиқода қилмоқ, вакфларнинг руҳларини шодлантирмоқ бўлсақ, аввало бу тўғридаги ихтилофларни бир ёғлик қилиб, фикрларни бирлаштиришимиз қерақдир. Вакф ишлари тўғрисида инкилобдан бери бошлұча тўрт фикр роль ўйнаб қелди:

1-хасадқилар, 2-тафритқилар, 3-ифротқилар, 4-мўътадиллар фикри.

Хасадқилар қимлар? Маълумки, Туркистон вакфлари мусулмонлар тарафидан дин, маориф ва маданиятлари учун тақсис этилұб, қолдирилгон хос ва қолис сармояъи миллияларидир. Бошқа миллатлар қаторида умумий маориф-сармоясидан қойдаланиш устига ўзларининг ушбу миллий сармояларини ҳам яхши бир йўлга қўя олмаслар, эҳтимолки, тез қўтарилиб (тараккий қилиб) ўзларини мустамлақачилар қуллигидан қутқарсалар. Ерлик халқнинг доимо жақолатда қолұб, қул бўлиб туришларини истаган мустам-лақачилар, албатта, буни қўролмайдурлар. Хасад қилурлар. Шунинг учун қайси йўл билан бўлса-бўлсун вакфларни ё бутунлай ҳазинага олмоқ ва ё ҳеч бир яхши йўлга қиришга йўл бермасдан, қамиша чаток бир холда қолдириш ҳаракатида бўлурлар.

Вакф ишлари дуруст йўлга қира бошладими, дарров бир чаток қикориб, ишни бузадилар.

Бу жиноятни тўғридан-тўғри ўзлари килмасдан, ерликлардан бир неча алданган ёки сотилган кишилар топиб, улар воситаси билан ишлайдилар-да, лабларини ялаб, «ерлик ишчиларнинг ўзлари шундай истайдирлар», деб кўзларини лўк килиб караб тура берадирлар, жуда бўлмаган такдирда отини «Шарк сиёсати» кўйиб, вакфларни подшоҳ замонасининг бутун муллоларни ўз ихтиёрларига колдириш фикрини кувватлайдирлар. Бундан мақсадлари эса бир оз вақт шундай колдириб, замони келганда: «Қачонгача муллолар вакфни ўринсиз еб ётадирлар, буни хазинага олмок керак», деган бир фикрни кувватлаб ўтқаришдир.

Мана бу фиркани биз ҳасадчилар, мустамлакачилар, деб таъбир этамиз. Инкилобдан бери вакф ишлари шул фирканинг ҳабис фикрларига қурбон бўлиб келди. Кейинги, ТуркЦИК лойиҳаси ила шояд бу фирканинг фикрига эҳтимом берилган бўлур, деб умидланамиз.

Тафритчилар кимлар? XIX асрнинг бошларидан то Русия инкилобигача бўлган бир муддатда Туркистон мадрасаларининг тарихини ва бундан бўлган таълим-тадрис йўлларини, вакфларда бўлган суиистеъмолларини ва етиш-тирган шогирдларини бир даража назардан кечирилса, кўнглида андак миллий ва диний ҳис бўлган ҳар кишининг кўзидан беихтиёр ёш оқадир. Бу ҳусусда ҳозиргача кўп ёзилди, сўзланди, такрор тафсиллаб ўлтирмакни лузуми йўқ, факат шунигина айтиш мумкинки, сўнг асрларда кўп мадрасаларимиз диний ва дунёвий уламолардан тамом тозаланиб, холис илмсизлар етқузатурган бир танбалхона холига келган эди. Ўтганда Буали, Форобий, Тафтазоний каби ҳакимлар ва олимлар етишдирган Туркистон мадрасалари кейинги кунларда тузукрокбир мударрис ёхуд имом ҳам етиштира олмайтурган бир ҳолга тушган эди. Ҳозирда мавжуд баъзи дурустроқ мударрис ва имомларимиз эрса мадрасаларнинг тартиблилиги соясида эмас, мадрасаларнинг тартиб ва қонуний ҳорижда ўзларининг қилгон ҳусусий ташаббус ва ғайратлари орқасидагина фавқулодда зақолари соясидагина етишгандирлар.

Вакф тўғрисида шундай бир фикр борки, вакфларни илгаридек ҳар бир мадрасанинг ўзига бериб ва ҳар бир мадрасага икки-уч мударрис белгилаб, уларнинг шогирдлари бўлсун-бўлмасун, мадраса вакфини боҳузур еб ётишларига пул берилсун эмиш. Шундай бўлгон такдирда тадрижан шогирд ҳам йигилар эмиш ҳамда вакфнинг шартига ва шароитига мувофикбўлар эмиш, қисқаси, Николай замонида мадрасалар ва вакфлар қандай идора қилинган бўлса ва нималар ўқитилган бўлса, ҳозирда ҳам шундай бўлсун эмиш[1]. Ислох-мислохдан ҳеч бир оғиз очилмасун эмиш.

Бу фикрнинг бошида турувчилар ҳар қимга маълум, биз буларни тафритчилар ва инфишочилар, замондан ҳабарсиз, халқни қоронғуда қолдиргувчилар, деймиз.

Ҳасадчилар ила тафритчилар баъзи моддаларда бирлашиб ҳам кетарлар. Факат ҳасадчилар билиб ва тафритчилар алданиб бирлашурлар.

Ифротчилар қимлар? Ҳасадчиларнинг сиёсати ҳабисасига тушунган ва тафритчиларнинг жаҳолат ва таассубидан қуйганлардан бир фикр келиб чиқодурки, булар «Кўй, бу мадрасаларингдан ва бу муллоларингдан ҳеч бир умид йўқ. Модомики,

вакфлар ўз ихтиёримизга берилди, халк назарига бир неча мадрасаларни ликиллатиб кўйайлик-да, вакф бадаллари ила бир неча ибтидоий мактабларни тарбия қилойлик. Бизнинг ҳаётимиз ва нажотимиз шул мактабларга боғлиқдир, эскини ҳар қанча ямасанг-да, эски, эскини ямаб овора бўлуб ўтиргандан кўра, бутун ташлаб, янгисининг ҳаракатида бўлган яхши, дейдирлар. Биз буларни ифротчилар, узокни кўра олмагучилар, янги қилиб бераман деб ухдасидан чиқолмай, халқни эскидан ҳам маҳрум этиб, яланғоч қолдирувчилар, деб таъбир этамиз. Мўътадиллар қимлар? Бу ҳақда қелар сонда[2].

«Ҳақиқат» журнали, 1922 йил, 2-сон

[1] Чор қироат деган эски юнон мантиқини ва унинг хошияларини уқуб қун кечириш бўлмаса қерак. Идора.

[2] «Ҳақиқат» журналининг бошқа сонлари чиқмагани учун ушбу мақоланинг давоми босилмаган. (С. А.)